# Ш А Р Т Н О М А № 1/6

___Нукус________ «24» 08 ________ 2022 й .

(шахар, туман , кишлок)

”CENTRAL-PHARM SERVIS” МЧЖ бундан буён матинда «Сотувчи» деб аталувчиномидан раҳбари Махсетов И.А. Фаолиятини амалга оширувчи бир томондан ва

**Академик Ё.Х.Туракулов номидаги РИЭИАТМ Коракалпогистон Республикаси филиали.**

бундан буён матнда Харидор» деб аталувчи номидан бош шифокор Ж.Н Уббиев фаолиятини кўрсатувчи, иккинчи томондан куйидагилар тўғрисида ушбу шартномани тузишди .

## 1. Шартнома предмети

1.1. «Сотувчи» ўзига тегишли мол-мулкни «Харидор»нинг мулки қилиб (доимий хўжалик юритувчи ёки бутунлай бошқарувига) беради, «Харидор» эса мол-мулкнинг хақи тўлангандан кейин олиш мажбуриятини олади.

**1. 2.**

| № | Махсулот тури | Ўл. бир. | Микдори | Нархи | Етказиб бериш киймати | ККС | | Етказиб берищнинг ККС хисобига олинриган киймати |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | Ставкаси | Суммаси | |
| 1 | Вата мед. гиг. н/с по 100г (238) | шт | 50 | 5900,00 | 295000,00 | 0% | 0,00 | 295000,00 |
| | **Жами:** | | | | **295000,00** | | 0,00 | **295000,00** |

**2.1.Шартноманинг умумий суммаси: Икки юз токсон беш минг сум 00 тийин ККС сиз.**

2.2. Шартноманинг 295000 ____________________суми бюджет маблаги хисобидан ____________________суми бюджетдан ташкари маблаг хисобидан амалга оширилади.

## 3. Тўлов шартлари

**3.1.** «Харидор» «Сотувчи»нинг ҳисоб-рақамига шартномада кўрсатилган маҳсулот миқдори суммасининг 30 фоизини олдиндан колган 70 фоизи маҳсулот тўлиқ етказиб берилгандан кейин ўтказишни ўз зиммасига олади.

**3.2.** Тўлов тури ____________________тулов топширикнома____________________

(тўлов талабномаси, тўлов топширикномаси, чек аккредетивва бошқалар)

## 4. Шартноманинг бажарилиш муддати

**4.1.** Шартноманинг 1.2-бандида кўрсатилган маҳсулот «Харидор»га шартнома имзолангандан кейин 10 кун вакт ичида берилиши шарт.

**4.2.** Шартноманинг амал қилиш муддати: 31. 12-2022 йил __________гача ўз кучида қолади.

## 5. Тарафлар хуқуқлари

**5.1.** «Харидор»нинг хуқуклари:

**5.1.1.** Ушбу шартнома асосида белгиланган маҳсулотларни ўз вактида ва сифатли маҳсулотни етказишни «Сотувчи»дан талаб қилишга;

**5.1.2.** «Сотувчи»дан шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик натижасида етказилган зарарни талаб қилишга ҳақлидир.

**5.2.** «Сотувчи»нинг хуқуклари:

**5.2.1.** Ушбу шартнома асосида белгиланган махсулотлар учун олдиндан хак тўлашни ва амалдаги шартнома ва қонун хужжатларида белгиланган тартибда хисоб-китобларни амалга оширишни «Сотувчи»дан талаб қилишга;

**5.2.2.** «Харидор»дан шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик, махсулотни қабул қилишда асоссиз равишда рад қилиш натижасида етказилган зарарни талаб қилишга ҳақлидир.

## 6. Тарафлар мажбуриятлари

**6.1.** «Сотувчи» мажбурияти:

**6.1.1.** Шартномада кўрсатилган талабларга риоя қилган ҳолда ўз вақтида «Харидор»га маҳсулотни етказиб бериш;

**6.1.2.** Тегишли даражада сифатли маҳсулот юборилганлиги тўғрисида билдириш (хабарнома) олгандан сўнг сифатли бўлмаган мол-мулкни 1 кун ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шартноманинг 1.2-бандига асосан сифатли бўлмаган маҳсулот баҳосини қайтариб бериш.

**6.2.** «Харидор» мажбурияти:

**6.2.1.** Махсулотни қабул қилиш далолатномасини тузган ҳолда ушбу шартномада ва қонун хужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига қараб муддатида махсулотни қабул қилиб олиш;

**6.2.2.** Тегишли даражада сифатли бўлмаган маҳсулот келиб тушгани аниқлангандан кейин, бу хақда далолатнома ёзилиб, 24 соат ичида «Сотувчи»ни огохлантириш.

**6.2.3.** Махсулотнинг баҳосини ушбу шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда тўлаш.

## 7. Тарафлар жавобгарлиги

**7.1.** Маҳсулот бериш вақтида шартнома бандларига тўлик риоя қилмаганлиги учун айбдор тараф бошқа тарафга етказилган зарарни тўлиқ қоплайди ва 0,1% миқдорда пеня тўлайди.

**7.2.** «Сотувчи» маҳсулотни тўлиқ етказиб бермаганлиги учун «Харидор»га етказиб берилмаган хар кун учун маҳсулот баҳосидан 0,2 % пеня тўлайди.

**7.3.** Шартнома талабларида кўрсатилган сифатлардаги ҳамда бутлашдаги мол-мулк берилмаган бўлса, айбдор тараф 0,1 % миқдорида пеня тўлайди.